АМИР ТЕМУР — БИЗНИНГ ШАЪН-ШАВКАТИМИЗ, ҒУРУР ИФТИХОРИМИЗДИР. АМИР ТЕМУР — ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ, МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИДИР.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 19 октябрь, шанба № 135 (22.056).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТИКЛАНГАН ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ



Тошкентдаги Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш пайти.

Самарқанддаги тантаналар.

Мустақиллигимиз шарофати билан елкамизга офтоб тегди. Ўзлигимизни, не буюк зотларнинг вориси эканлигимизни, теран тарихимизни англай бошладик. Бой маданий меросимиз халқ мулкига айланмоқда. Миллий қадриятларимиз кўнглимиз уйини, онгу шууримизни чароғ янглиғ ёритиб турибди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси, айтиш лозимки, жасорати билан соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик муборак санасини нишонлаш тўғрисида Фармон чиқарилиши, 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши бу борадаги хайрли ишларнинг юксак нуқтаси — гултожи бўлди. Яхшининг шарофати билан деганларидек, юбилей боис мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Мана, орзиқиб кутилган дамлар — улуғ тўй кунлари етиб келди. Ҳар бир ватандошимиз тилида буюк бобокалонимизнинг азиз номи такрор-такрор зикр этилмоқда. Шу кунларда бобомизнинг авлодлар эъзози ва эҳтиромидан шод ва миннатдор руҳи юртимиз бўйлаб кезиб юрган бўлса, не ажаб...

ТОШКЕНТ

Соҳибқирон юбилейи қутлуғ маросим — пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиши билан бошланди.

18 октябрь — муборак жума тонги. Музей ҳовлиси Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган жамоатчилик вакиллари, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум.

Маросимга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфти Мухтор ҳожи Абдуллаев фотиҳаси билан хайр-эҳсон учун келтирилган қўйлар сўйилиб, шаҳримиздаги меҳрибонлик уйларига — болаларга инъом этилди. Бу халқимизнинг қадимий саховатпешалик анъаналари давом этиб келаётганидан далолатдир.

Соҳибқирон доимо олиму уламоларга, дин пешволарига, фозилу ижод аҳлига беқиёс ҳурмат кўрсатган. Масжиду мадрасалар қурдирган. Амир Темур руҳларига бағишлаб Қуръони каримдан оятлар ўқилиб, дуои фотиҳа қилинади. Удумларимизга биноан меҳмонларга ош тортилади, мумтоз қўшиқлар ижро этилади.

Шаҳрисабздаги шодиёналар пайти.

Карнай-сурнай садолари музей очилишига бағишланган тантанали маросим бошланишидан дарак беради.

Темурийлар тарихи давлат музейининг очилишига бағишланган тантанали митингни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари муҳташам музейнинг қисқа вақтда қуриб битказилгани ва осори-атиқалар билан тўлдирилгани буюк бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа эканини таъкидлади.

Юртбошимиз рамзий лентани қирқади. Музей очиқ деб эълон қилинади.

Президент Ислом Каримов ва республика ҳукумати аъзолари музей экспонатлари билан танишдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи жаҳон андозалари талабига мос даражада ниҳоятда тезкорлик билан ишга туширилди. Бу иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этади. Музей қурилишида бутун республикамиздан мутахассислар қатнашди. Бунёдкорлик ишларини бажаришда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси қурувчилари, Тошкент чинни ва керамика, «Миконд» заводлари, «Усто» корхонаси, Югославиянинг «Торевик» фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоаларининг фидойилари муносиб ҳисса қўшдилар. Зумрад рангида товланиб турган улкан гумбазни эса Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамияти мутахассислари тайёрлаб берди. Натижада буюк бунёдкор, илм-фан, санъат ҳомийси Амир Темур салтанатининг шукуҳига мос келадиган муаззам меъморчилик асари бунёд этилди.

Шундан сўнг Президентимиз Амир Темур хиёбонидаги Соҳибқирон ҳайкали пойига гул қўяди.

Маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси

(Давоми 2-бетда).

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ



***СУРАТДА:** қабул пайти.*

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда тобора равнақ топаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда юздан зиёд қўшма корхонанинг фаолият кўрсатаётгани, савдо-сотиқ, маданий алоқаларимизнинг ривожлана бориши икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

18 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легҳарийнинг мамлакатимизга расмий ташриф буюриши давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги янги қадам бўлди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида Покистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легҳарий махсус шоҳсупага кўтарилдилар.

Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтгач, Ўзбекистон ва Покистон ҳукуматлари расмий делегациялари аъзолари билан ўзаро танишдилар.

Олий мартабали меҳмонни кутиб олиш чоғида Ўзбекистон ҳукумати аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легҳарий ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди. Президентлар ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар борасида фикр алмашдилар.

Покистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!

Бугунги муборак жума тонгида Оллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, унинг таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас Ислом динимиз буюрган бир фарзни — ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи ғузал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиш маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб, дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз таҳримиз даргоҳида қабул бўлғусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлгай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруғ қозонган, миллатимиз фахри

(Давоми 2-бетда).

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига беқиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан ана шундай қутлуғ дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-эътиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темур арвоҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий маскани-

(Давоми 2-бетда).

СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танти, ҳалол ва шижоатли, ориятли баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб авваламбор ғўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намоёндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Ҳусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донгини таратган зот, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

(Давоми 2-бетда).

Обуна — 97

ЁЗЁВОНЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Ёзёвон туманидаги «Қатортол» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти рўйхатида 30 га яқин аъзо бор. Бошланғич ташкилотнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида партия ташкилоти котиби Юсуф Эгамбердиев «Ўзбекистон овози» газетасига обуна уюштириш хусусида гапириб, жамоа хўжалигининг энг илғор 10 нафар теримчисини шу газетага бепул обуна қилдириш таклифини киритди. Партия аъзолари бу таклифни якдил қўллаб-қувватлашди. ЎзХДП туман кенгашининг ижроия бюроси кенгайтирилган мажлисида эса қатортолликлар ташаббусини тумандаги яна 60 та бошланғич ташкилот қўллаб-қувватлади. Туманда «Ўзбекистон овози»га обуна уюштириш қизғин давом этяпти.

— Хўжалигимиз, — дейди "Қатортол" жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, ХДП аъзоси Алижон Мирзакаримов, — шу кунларда пахта йиғим-теримини тезроқ тугаллаш учун барча куч ва ғайратини аямаяпти. Теримни уюшқоқлик билан олиб боришда ХДП аъзоларининг ҳиссаси катта бўляпти.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИКЛАНГАН ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари иштирок этдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи очилишига бағишланган тантаналар кун буйи давом этди. Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг музей билан танишуви бошланди.

САМАРҚАНД

Бу қўҳна шаҳар ва Амир Темур номи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, буюк марказлашган давлат барпо этган соҳибқирон уни ўз мамлакатининг пойтахти қилган, унинг довруғини бутун дунёга таратган эди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган асосий тантаналарнинг бу ерда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Шу кунларда Самарқанд ўзгача шукуҳ ва гўзаллик касб этган. Шаҳар жамоатчилиги буюк бобокалонимиз туйига пухта тайёргарлик кўрди. Ўнлаб тарихий обидалар таъмирланди, соҳибқирон номи билан боғлиқ қадамжолар обод қилинди, янги иншоотлар қурилди.

Бугун республика Президенти Ислом Каримов Самарқанд шаҳрига келди.

Шаҳар аэропортида Президент Ислом Каримовни вилоят ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Машиналар кортежи шаҳарнинг юбилей арафасида бунёд этилган Амир Темур майдони сари йўл олади. Майдон байрамона безатилган. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги ҳамда Самарқанд шаҳрининг Амир Темур ордени билан мукофотланишини қутловчи алвонлар ҳилпираб турибди. Майдонга шаҳар меҳнат жамоалари, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказлар вакиллари ҳамда вилоятнинг барча туманларидан келган меҳмонлар йиғилган.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилувчи кишилар майдонга кириб келадилар. Улар Амир Темур ҳайкали томон йўл оладилар. Президент рамзий лентани қирқади. Йиғилганлар кўз ўнгида музаффар Амир Темурнинг салобат тўкиб тахтда ўтирган сиймоси намоён булади. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов ҳайкал пойига гулчамбар қўяди. Самарқанд вилояти, шаҳри ҳокимликлари ва меҳнат жамоалари вакиллари ҳам буюк бобокалонимизга ҳурмат бажо келтириб, ҳайкал пойига гуллар қўядилар.

Қутлуғ тўй арафасида республика Президенти Ислом Каримов Фармонига кўра Самарқанд шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. Бу ерда ана шу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали митинг булиб ўтди. Уни Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев очди.

Митингда юртбошимиз нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Самарқанд аҳлини юксак мукофот билан қутлаб, соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли Амир Темур ордени топширилиши рамзий маънога эга булган тарихий воқеа эканлигини таъкидлади ва ушбу унутилмас кун — 18 октябрни «Самарқанд куни» деб эълон қилиш таклифини айтди. Таклифни йиғилганлар қарсаклар билан маъқулладилар.

Майдонга Самарқанд шаҳри байроғи олиб кирилади. Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида Ислом Каримов унга Амир Темур орденини қадаб қўяди.

Митингда сўзга чиққанлар Самарқанднинг юксак орден билан мукофотланиши шаҳарнинг ватанимиз тарихида тутган беқиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи эканини мамнунлик билан қайд этдилар. Орадан олти аср ўтиб Амир Темур ўз пойтахтига қайтганини, мустақил Узбекистонимизда янги уйғониш даври кечаётганини таъкидлаб, маданият ва маънавиятни юксалтириш, тарихий қадриятларни тиклаш борасида қилинаётган ишлар ҳамда эътибор ва ғамхурлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Соҳибқирон хайкали очилиши ҳамда шаҳарга Амир Темур ордени топширилишига бағишланган анжуман билан Самарқандда буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.

Байрам шодиёналари, сайллари давом этмоқда.

ШАҲРИСАБЗ

Муборак юртимизнинг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Шаҳрисабз соҳибқирон Амир Темурнинг болалиги кечган, унинг илк зафарларига, қувонч ва ташвишларига гувоҳ маскандир. Бу қадимий шаҳар Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби қўплаб шеърият, фан дарғалари, давлат арбоблари фаолиятига ҳам дахлдордир. Бироқ, юртимизнинг, унинг гўзал гўшаларидан бири булмиш Шаҳрисабзнинг довруғини оламга ёйишда, ватанимиз ободончилиги, маданияти ривожида соҳибқирон Амир Темурнинг ҳиссаси ғоят беқиёсдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни Шаҳрисабзга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов, Шаҳрисабз шаҳри ҳокими А. Зайниддинов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Автомашиналар карвони қадимий шаҳарнинг «Буюк ипак йўли» кўчаси буйлаб Амир Темур номидаги майдон сари йўл олади.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар байрамона безатилган майдонга кириб келади. Майдоннинг қадим Оқсарой рўпарасидаги марказида Амир Темурнинг улуғвор хайкали ўрнатилган. Шуни таъкидлаш керакки, соҳибқироннинг Самарқанддаги ва Шаҳрисабздаги ҳар иккала ҳайкалини таниқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган. Куксингни ғурурга тўлдирувчи Узбекистон мадҳияси оҳанглари остида Президент Ислом Каримов рамзий лентани қирқиб, соҳибқирон хайкалини очади.

Амир Темур ҳайкали пойига Президент Ислом Каримов гулчамбар қўяди.

Шундан сўнг майдонда Шаҳрисабз шаҳрига «Амир Темур» ордени топширилишига бағишланган митинг бошланди. Митингни Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов очди.

Митингда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади ва Шаҳрисабз шаҳри байроғига юксак орденни қадаб қўйди.

Сўзга чиққанлар Узбекистон Президентига тарихий анъаналарни, миллий маданиятни тиклаш, боболаримиз номини улуғлаш борасида амалга ошираётган ишлари учун миннатдорлик билдирдилар. Соҳибқирон таваллуд топган юрт бўйлаб тантаналар ва халқ сайли бошланди.

* * *

Президент Ислом Каримовга Самарқанд ва Шаҳрисабз сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Шаҳрисабздан Тошкентга қайтиб келди.

Аҳмад ХЎЖА,
Амирқул КАРИМОВ,
Шуҳрат УМИРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, **буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.**

Умрининг мазмунини «Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат» деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳониятнинг ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаъну шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига — чиғатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, қутбхоналар вайрон қилинган, суғориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноқсиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қуритган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан 6 аср ўтиб, худди шундай қўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий меҳонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Жаннатмакон бобомиз қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Зангиота сингари кўплаб муҳтабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сўнг биз — Амир Темурнинг бугунги ворислари соҳибқиронинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўл уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида бобокалонимизга ҳайкал ўрнатдик.

Бугун зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугуни кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

КИМКИ ЎЗБЕК НОМИНИ, ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИНИ, АДОЛАТПАРВАРЛИГИНИ, ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ, УНИНГ УМУМБАШАРИЯТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ, ШУ АСОСДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧНИ АНГЛАМОҚЧИ БЎЛСА, АМИР ТЕМУР СИЙМОСИНИ ЭСЛАШИ КЕРАК.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизнинг, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий ва гўзал бир равишда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнгги онларида ҳам зурриёдларига қарата **«Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз»** деб васият қилган. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинглар, азиз дўстлар, барчамиз яқдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: **«Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин»** деган доно ўгитлари доимий шиоримиз бўлсин!

Муҳтарам жамоат!

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо Худонинг марҳамати билан, адолат билан тикланган улуғ аждодларимизнинг табаррук номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг иймоним комилки:

Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъзозлаган ғоялар — шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда тангримизнинг ўзи мададкор бўлсин!

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

миздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли ҳаробаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди.

Бобокалонимиз Самарқандни жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд қиёфасида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темур бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни бунёд қилдирди.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, оламолам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб қадр-қиматимизни билиб яшашга ундайди.

Бугун биз Амир Темур бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму-кўст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг мўъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин, уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишамолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъмору муҳандис аждодларимизни, ҳунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига тасаннолар айтамиз.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд **ер юзининг сайқалига** айланди.

Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг ҳоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намоёндаларининг изланишлари соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шуҳратига шуҳрат қўшяпти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чукур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд — азалий буюклик ва даҳолик қудрати мужассам бўлган, Оллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз — муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келаётганингиз ва мустақил Ўзбекистон шон-шавкатини оширишдаги ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шаҳри «Амир Темур» ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани адо этиш — қадрдон ва азиз шаҳримиз байроғига ана шу орденни қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта, теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аждодларимизнинг руҳи поклари бизни қўллаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!

СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу муҳтабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам ҳоки поклари билан мукаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида **«Илму адаб қуббаси»** дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авалаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-торож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва муҳтабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор. Жаннатмакон Амир Темур бобоомиз бу кошона пештоқига шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: **«Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин».**

Бу қўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: **«Қай бир жойдан бир ғишт олсам ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».**

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: **«Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».**

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштирига ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Карами улуғ Оллоҳ халқимизга, ватанимизга шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизга Амир Темурдек буюк соҳибқиронни берибди. Бунинг учун яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолғусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, **кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончни англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.**

Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур хилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк соҳибқироннинг муҳтабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояга етказган муҳтабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

БУЮК БОБОКАЛОНИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Ички Ишлар Вазирлигида буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Кечада Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Асқаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ҳамда Ички ишлар вазирлигининг фахрийлари иштирок этишди.

Қатнашчилар бобомиз Амир Темур ҳақидаги маърузаларида унинг жаҳон миқёсида тутган ўрни, халқпарварлиги, адолатли инсон бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидладилар.

Конференцияни Республика ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари Ўткир Жўраев олиб борди.

Кеча сўнггида таниқли санъаткор Маҳмуджон Азимов Соҳибқирон бобомиз Амир Темурга бағишланган қўшиқлари билан меҳмонларни хушнуд этган бўлса, Ҳамза театри артистлари Амир Темур ва Султон Боязид ролини меъёрига етказиб ижро этишиб, даврага ўзгача файз киритишди.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.



Россия Президенти Борис Ельциннинг Александр Лебедни Россия ҳавфсизлик кенгаши котиблиги ва Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимларидан четлатганлиги ҳақидаги қарори чет эллардаги расмий ва сиёсий доираларда кенг шарҳланмоқда.

Оқ уй матбуот котиби Майкл Маккэрининг айтишича, демократик жамиятларда президентларнинг маслаҳатчилари ўз сиёсат ва дастурларини олға суриш учун бир-бирлари билан мусобақалашадилар. Бундай ҳолларда президентлар ҳакам ўрнида туриб, кадрлар масалаларини ҳал этишларига тўғри келади. Президент Ельцин, ўз маҳкамасига ўзгартириш киритар экан, конституциявий ваколати доирасида ҳаракат қилди. Америка маъмурияти учун Россия билан бўлган муносабатларда энг муҳими, ўзаро мулоқотларда барқарорлик ва бардавомлик ҳисобланади.

АҚШ Президентлигига номзод Роберт Доулнинг фикрича, Президент Ельциннинг қарори Россияда вазият мубҳамлигича қолаётганлигидан дарак беради. Бизнинг Россияга нисбатан сиёсатимиз Америка манфаатларига асосланиши ва Россия воқелигини акс эттириши керак. Кўнгилдаги орзуни амалдагидек қабул қилиш ва бирор шахсга устунлик бериш тўғри эмас.

Америка сиёсатшуноси, Колумбия университети профессори Роберт Легвольд билдирган мулоҳазага кўра Лебеднинг истеъфоси Россияда барқарорликка билвосита таъсир этса-да, бу унчалик бўлмаса керак. АҚШ учун ҳозир СҲҚ-2 шартномасининг тақдири муҳимроқдир, уни Россияда ратификациялаш мавҳумлигича турибди. Борис Ельцин албатта, Москвада сиёсий курашнинг кескинлашувига сабаб бўлаётган Лебеддан қутулиш учун имкониятдан фойдаланди, бу ҳол Ельциннинг вазиятни назорат қилиш имкониятини шубҳа остига қўйганди.

Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавс:

— Лебеднинг истеъфоси Россияда ички сиёсий кураш ҳақида дарак беради ва Риганинг Европа Иттифоқи ҳамда НАТОга аъзо бўлиш борасидаги йўлни тўғри танлаганини тасдиқлайди.

Саккиз юз йилда битта

ТЕГИНА БЕГИМ

Қадим замонларда Бухоро ва Шаҳрисабзда яшовчи уламолар, ислом пешволари, умуман, икки шаҳар аҳолиси қуда-анда бўлиб келганлар. Милодий 1334 йилда шаҳрисабзлик амирзода Тўғай Муҳаммад Баҳодир билан Бухорои шарифлик, диннинг улуғ раҳнамоларидан бўлган, олимлар авлодига мансуб Садр-аш-шариъа унвонли таниқли фиқшунос олимнинг қизи — Тегина Бегимнинг никоҳлари бу азалий алоқаларнинг бир нишонаси эди.

Тегина Бегим Моҳ оталарининг тўлиқ исми шарифлари, XV аср муарриҳи Фосиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмал-и Фосиҳий» асарида қайд этилишича, Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Тож аш-шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал Бухорий, қисқача талқинда айтганда Садр-аш-шариъа Мавлоно Убайдуллоҳдир. Тегина Бегим боболари «Тож-аш-шариъа» — шариат тожи, оталари «Садр аш-шариъа» — шариат улуғи каби энг мўътабар диний унвонларга сазовор бўлганлар.

Ривоят қилишларича, Амир Тўғай қилич-камарини боғлаб жанггоҳга кетганда Тегина Бегимнинг ой-куни яқинлашиб қолган, фарзанди бўлмаган кундоши Йўқун хоним бундан ташвишда эди. Унинг бу ташвиши ўзи кўрган тушида аён бўлади. Тушининг таъбирини дарвеш бундай таърифлайди: «Бу йили шундай ўғил Соҳибқирон келадур, етти иқлимни олғай, анинг авлоди саккиз юз йилда салтанат сурғай». Йўқун хотин макр ила Садр аш-шариъа тилидан сохта нома ёздириб, Тегина Бегимга беради. Бетобликдан хабар келтирган бу нома сабаб ҳомиладор она отаси томон Бухорога йўл олади. Орқасидан йўлга чиққан Мойдун исмли хизматкор Тегина Бегимнинг чўриларини ўлдириб, қиличини Бегимнинг боши узра кўтаради. Бегим: «ўзим ўлсам ҳам, болам омон қолсин», дея шу ердаги қудуққа ўзини ташлайди. Мойдун «Бу ёққа чиқ!» деб бақира бошлайди. Шу пайт осмонда чақин чақиб, Мойдуннинг бошига яшин тушади-да, у нобуд бўлади. Тегина Бегим Амир Жоку Барлос туфайли омон қолади. «Хоҳласанг менга фарзанд бўл, уйимнинг тўри сеники. Уйда бола-чақаларим сенга ғамхўрлик қилишади. Кейин сенинг қариндош-уруғларингни излаб топамиз», дейди у. Амир Жоку Тегина Бегимни уйига олиб келиб, хотинига воқеани тушунтиради. (Кейинчалик Амир Темур Амир Жокуни қўшининг энг олий саркардалик лавозимига тайинлайди). Мана шу жойда ҳижрий-қамарий 736 йилнинг шабонни 25 кунида, сешанба кечқурунида, сичқон мучалида, милодий 1336 йил 9 апрель куни — икки шарофатли сайёра — Зуҳра ва Муштарий самовий доирасида, Жаддий буржида яқинлашган вақтида «Икки қирон соҳиби» — Соҳибқирон ўғил туғилди. Бу Амир Темурдир. Муарриҳ Шарофиддин али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, уч ўғил шу соатда — Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад Мустафо ва Амир Темур само буржлари — юлдуз тўдаларининг мазкур сайёралар билан шундай яқинлашуви пайтида туғилганлар. Ҳар саккиз юз йилда бир марта бу ҳодиса такрорланиб туради.

Онасининг яккаю ягона фарзанди бўлган Амир Темур милодий 1380 йилда онасига бағишлаб Шаҳрисабзда Оқсарой ёдгорлигини бунёд этган. Ҳар сафар Онасининг юрти — Бухорои шарифга борганда ўғил отидан пастга тушиб, Онасини ёд этиб шаҳарга пиёда кириб борар экан...

Жамол ҳожи Илҳомжон НАЗИРЖОН ўғли.
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти аспиранти.

Биз шундай халқмиз

ТЎҚҚИЗ ТОВОҚ

...Соҳибқирон 1404 йилнинг куз фаслида олти нафар неварасининг никоҳ тўйини ўтказди. Тўй қирқ кун давом этди. Миллий удумга кўра тўй охирида хориждан ташриф буюрган меҳмонлар олдига тўққизта пояли кумуш лаган (тобоқ)ларда совға тақдим қилинди. Идишлар мева-чева, қанд-қурс, пишириқларга тўла эди. Унинг устига саруполар ҳам қўйилганди.

Бу ажойиб урф ўзбекларда шу кунгача турли кўринишда сақланиб келмоқда. Вилоятларнинг айримларида никоҳ куни куёв ва унинг жўралари қизникига келишади. Тузалган дастурхон атрофига жойлашадилар. Базм ниҳоясида тўққиз товоқ (расм-русумга кўра ёғоч-дан бўлиши керак) келтирилади. Уларнинг ҳар бирида турли пиширилган егуликлар солинган бўлади. Товоқнинг биринчисида куёв учун сарупо қўйилади. Тўйбоши хонага киради. Барча йигитларга рўмол ёки рўмолчалар улашади. Шу рўмолларга тўққиз товоқда ортиб қолган таомлар тугилади, ҳар бир йигитнинг қўлига тутқазилади. Бўшаган товоқларга йигитлар иримига кўра пул ташлайди ва йиғиштириб олинаётган пайтда куёв навкарлар ва қиз томон вакиллари ўртасида аския, ҳазил мутойиба ва айтишувлар давом этади.

Тўққиз товоқ удуми кўпроқ Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразмда ёйилган. Тошкент вилоятида куёвникига никоҳ куни қизнинг ота-онаси, қавм-қариндошлари келишади ёки чарлар куни ташриф буюради. Меҳмондорчилик ниҳоясида тўққизта патнисда турли таомлар солинган, номлари ёзилган қоғозлари билан қўйилади. Сўнгра «идиш қайтди» кўринишда тугунчалар тайёрланади ва эгаларининг қўлларига тутилади.

Сурхондарё, Қашқадарёда эса тўққиз товоқни олишув майдонида ҳам кўришингиз мумкин. Тўй куни миллий кураш ўтказилади — Охирида тўққизта қора ёғоч товоқ ичида 1-1,5 кг. чамаси пиширилган гўшт билан бўш майдон марказига ёнма-ён тўғри чизиқ бўйлаб териб чиқилади. Ҳар бирининг соврини эълон қилинади. Томошабинлар сукутда. Даъвогар полвонлар кучига қараб бирин-кетин товоқларни оладилар. Улар рақибини майдон четида кутиб ўтиради. Ҳар бир товоқ (яъни соврин)қа даъвогар рақиблар ўртага чиқа бошлайди ва ўз тенгдоши билан беллашади. Ғолиб чиққан полвонга ошкор қилинган товоқ ва соврин берилади.

Тўққиз товоқдаги соврин тақдири ҳал бўлгандан сўнг фотиҳа олиш учун мўйсафидлар дастурхонига ғолиблар томонидан узатилади. Мўйсафидлар курашни бошлаш учун ҳар бир жуфт полвонга фотиҳа берар экан уларнинг эвазига назар соладилар. Бирор нуқсон (кураш қоидасига хилофлик) сезилган ҳолда улар даврага тушиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Тарихшунос Х. Исмоиловнинг ёзишича, урф-одат, расм-русум, маросим-удумлар инсонлар тарихий тараққиётининг маҳсулидир. У моддий турмуш шароитининг таъсири оқибатида юзага келган, аждодлардан авлодларга мерос сифатида бироз ўзгарган ҳолда ўтади, халқнинг эзгу-истакларини ўзида акс эттиради. Соҳибқирон миллий удумларимизга ҳурмат билан қараган, улардан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилган. Лекин тўйларни ўтказишда «ҳотамтойлик» кўрсатиш миллий анъаналаримизга зид. Маросимларда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, удумларни оиланинг моддий имкониятига қараб амалга ошириш, лозим деб ҳисоблаш керак.

Қўзибой ҚОРАБОЕВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 21

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 21 октябрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «Изҳор».
18.50 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театрининг спектакли. 1-қисм.
22.00 «Мозийдан садо».
22.15 Диққат, премьера: А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театрининг спектакли. 2-қисм.
22.55 «Олам ва одам».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Морена Клара». Телесериал.
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Бир ўлка-ки».
8.55 «Саодатли сайёралар». Кинодастур.
9.40 «Бозор иқтисодиёти асослари». Иқтисодий шарҳ.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига. С. Пулатов. «Оқ сарой». Шаҳрисабз халқ театрининг спектакли.
11.55 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
12.25 «Қудуқ», «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильмлар.
12.45 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.15 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона).
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кабутарларим». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

*

18.10 — 20.35

*

20.35 «Ўрмон манзаралари», «Беллашув». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Умид».
19.35 «Чинор».
20.05 «Жаҳон».
20.25 Эълонлар.
20.30 Мультфильм.
20.40 «Чирок».
20.50 «Шлягер».
21.05 Авторейд.
21.15 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.25 «Аёл».
21.55 «5+1». Хит-парад.
22.25 Тунги сеанс. «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Спорт-тайм».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театрининг спектакли. 1-қисм.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига. «Маънавият булоқлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театрининг спектакли. 2-қисм.
10.45 «Барака ёмғири». Мультфильм.
10.55 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
11.25 Инглиз тили.
11.55 «Ўран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Доно бобо даврасида».
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 1-қисм.
22.00 «Оҳанглардан таралган меҳр».
22.20 «Замон».
22.30 «Спорт, спорт, спорт».
22.45 «Тафаккур».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 АРТ-журнал.
21.15 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тулки». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Тошкент лавҳалари». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен учун ва сен ҳақингда». Усмирлар ва болалар учун ахборот дам олиш кўрсатуви.
19.20 «Айчурек».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Дорихона эшитади».
21.30 «Жилет-спорт».
22.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.45 «Америкага бир назар».
23.10 Эълонлар.
23.15 «ТВ IVда «Немис тўлқини».
23.40 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 1-қисм.
9.05 Лирик концерт.
9.35 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Армон». Бадиий фильм.
11.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Қуддус Муҳаммадий».
11.55 Болалар учун. «Замон ардоқлайди Соҳибқиронни».
12.30 ЎзТВ хазинасидан. Шароф Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи». Видеофильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...»
18.30 «Сўз Сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
18.55 Туркия телевидениеси наомойиш этади: «Ассалом, Соҳибқирон!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Диққат, премьера: А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
22.10 «Оҳанглар оғушида».
22.25 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Соғлом авлод учун». Темурийлар тарбиясининг бугунги авлод учун аҳамияти.
00.20 Тунги тароналар.
00.30—00.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 Компьютер-Осиё.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.25—00.05 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хива гиламлари». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 Шарқ қўшиқлари.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Бизнен мирас» (татар тилида).
19.35 «Юлдузлар жилоси».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Ер сайёраси». БМТ юбилейига бағишланади.
20.35 «Тошкент оқшомлари».
21.05 «Марҳабо».
21.35 «ТВ IV канали эксклюзиви».
22.05 «Ташрифлар ва таклифлар».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 Эълонлар.
23.00 Қалб тароналари.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
9.15 «Бир шаҳар бор дунёда...»
9.35 «Биз Сиз билан».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Довюрак рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
11.30 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телефестивали.
11.55 «Фарзанд — умид юлдузи». Тележурнал.
12.25 Эстрада тароналари.
12.55 «Маънавият» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.35 «Маърифатнома».
19.10 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Бир қўшиқ ва бир ҳикоя. «Темур бобо». Комилжон Баротов ижро этган.
21.45 «Темурнома».
22.00 Диққат, премьера: А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 3-қисм.
22.40 «Тараддуд».
22.55 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
23.15 Бир жуфт қўшиқ.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Навбаҳор».
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».

(Давоми 4-бетда).

ТЕМУРНОМА

Сирожиддин САЙЙИД

ОҚСАРОЙ

Нақшлар музтариб, деворлар яро,
Бул мажруҳ муқаддас оятлар аро
Келди мозийлардан бир мунглуғ садо,
Ул менинг бағримни қилди чоҳ, сарой.

Манглайимни босиб муздайин ғиштга
Йиғладим ҳар ўтган, ўтмаган ишга.
Қадим нафасингни ютибон ичга
Турардинг холимдан сен огоҳ, сарой.

Турардинг нафасингни шавкатинг шондай,
Осмонлар қаъридан бўлиб осмондай,
Кексайган, нуроний Соҳибқирондай
Бир оқ булут тушди баногоҳ, сарой!

Дилим равоқларга уриниб кетди,
Замонлар бир лаҳза суриниб кетди.
Боқсам Самарқандлар кўриниб кетди,
Турардинг бир ўзинг танҳо, тоқ сарой.

Норасо авлодлар ишрат ила банд,
Эли қон юттайдир, каззоблари қанд.
Жафокаш бу мулкнинг дардин англаган
На бир хон келди-ю, на бир шоҳ, сарой.

Бугун сен ўшандай улуғвордирсан,
Истиқлол туфайли устувордирсан,
Қайтадан туғилдинг, сервиқордирсан,
Шаҳрингдай яшнагин бўлиб боғ, сарой!

Зиёратга келдим саҳар чоғ, сарой,
Мунғайиб турарди ҳаммаёқ сарой.
Буюк салтанатнинг заволи сенми?
Кўксимда доғ узра унди доғ, сарой.

Жонибек СУБҲОН

БЕЗОВТА РУҲ

(Достондан парча)

ВАСИЯТ

Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз.

Амир Темур.

Иттифоқо танни тарк этганда жон,
Айлаган дамда самони Руҳ макон,

Кўрди, ёлғондир нечоғ дайри фано,
Руҳга теран кўзми бергай раббано?

Ўз кўзи бирлан жаҳонга боқди Руҳ,
Пардасин сирли фанонинг ёқди Руҳ.

Хотиротда қалқди бир-бир сўнгги дам,
Чорасиз қолғон табиб Табризий ҳам.

Холи эрди файзиддин Ўтрор туни,
Ул эди дунёдаги сўнгги куни:

— Келди сўнгги лаҳзалар умрим учун,
Лашкарим аҳволини сўрмай нечун?!

Англадимки, дардга дармон йўқ эди,
Ҳақ ажал менга тикилган ўқ эди.

Мен билар эрдим ажалнинг ҳақлигин,
Айни шул дам ҳокими мутлақлигин.

Мен ўлимдан ҳеч қачон юз бурмадим,
Ҳар нафас қилдим ўлимнинг ҳурматин —

Юзма-юз турдим билиб лойиқ ғаним,
Ё кўзим ўнгида фарзанд, махзаним.

Чарх уриб, титроқ недир, ҳеч билмадим,
Ҳисларимни унга тобеъ қилмадим.

«Куллу нафси зоиқатул мавт» ахир —
Жон ўлимни шубҳасиз тотқуси бир!

Юз буриб мардоналикда шул сабаб,
Ҳаммани йиғмоқларин қилдим талаб:

Тўпланиб аҳли аёл, фарзандларим,
Энг қадим амири камарбандларим,

Мен дедим: « — Келмоқдадир
сўнгги нафас,
Айлагай жоним қушин озод қафас.

Йўқотмоқда эди иссиғини тан,
Гўё ҳурлар сасин тинглар эдим ман.

Гуноҳдин сўнгги бор тавба қилардим,
Хайрли иш билан ювмоқ тилардим.

Нолалар чекманг, дедим, фарёд билан,
Ким қувиб билган ўлимни дод билан?

Оҳ ила юзни юлиб, йиртманг либос,
Телбадай чопмоқ ақлсизларга хос.

Ўрнига айлангиз оҳиста дуо,
Тутмасин мендан дариғ раҳмин худо.

Жам бўлиб бу дам сўзим тингланг, дедим,
Не васият айласам англанг, дедим.

Эй, дедим, ўғлонларим, айлаб хитоб,
Сиз тузугимни ўқиб англанг шитоб.

Бу улуғ миллат шаънин сақлаш учун,
Қўлдаги бахтини ардоқлаш учун,

Бул васият сўзларимни ёд этинг,
Ки амал бирлан руҳимни шод этинг.

Ташламанг бой зулмига йўқсулни ҳеч,
Эрк, адолатдан-чи, бурманг йўлни ҳеч.

Менга монанд салтанат сурмак учун,
Бесабаб сарф айламанг шамшир кучин.

Учрагай дилга нифоқ эккувчилар.
Шу йўсин тахтга нигоҳ тиккувчилар.

Ким улар иғвосидин топса илож,
Кўп замонлар бошидан тушмайди тож»...

Мен нечун чопдим қилич умрим бўйи?
Чоптириб урён адолат, эрк ўйи!

Тиғ урибман қайда зулмкор, анга,
Ким зулм чекдики, бўлдим ёр анга.

Мен буюк бир мамлакат бунёд этиб,
Ҳар нафас «Қуръон»ни дилдан ёд этиб,

Фисқ, адоватни зери по айладим,
Не монанд иймонга, иншо айладим.

Мен тикиб умрим, қаён интилмадим,
Ки ниятдин ўзга йўлни билмадим.

Шамширимни эрк учун деб чархладим,
Ёвни ёвдан, дўстни дўстдан фарқладим,

Маслагимга зулму зўрлик ёт учун,
Ҳар нафас тангрим дилимда ёд учун,

Қайтмади шаҳдим қиличим тиғидек,
Хоҳишимга солмади ҳеч кимса чек.

Ҳар қадамда рўбарў бўлди зафар,
Бир нафас ҳам билмадим, недир хатар.

Англамабманки таним толғонлигин,
Кексайиш қошида шаҳд ёлғонлигин.

Танда деб ёшликдаги янглиғ нуфуз,
Айладим аҳд Чин сари бурмоққа юз.

Лек вужуд имконида чек бор экан,
Бу ҳаёт, дунё деган маккор экан.

Истаган пайти човут солмоқ иши,
Сенга қайралгай экан ҳар дам тиши.

Фарқи йўқ: қошида кимдур, шоҳмисен,
Манзилин ё топмаган гумроҳмисен,

Бул ҳаёт оққайдур ирмоғи ила,
Ул ҳаётдур зарба бермоғи ила.

Ул дилингда битта армон қолдирар,
Ё бажосиз битта фармон қолдирар,

* * *

Ки уни бермоққа фурсат етмади
Жон омонатлик қилиб ҳад етмади—

Мулки Чинда қанчаки бутхона бор,
Масжид этмоққа қилиб эрдим қарор,

Бироқ қошимга зуд кел деди Оллоҳ,
Узилди нагаҳонда Чин сари роҳ!..

Неча ғолиб жанг қилиб эрдим, бари
Асли эрди шу урушнинг машқлари.

Гарчи жанг қилмоқдин асло толмадим,
Тақдиримдан унча қойил қолмадим.

Англасам-да жанг-жадаллар фолини,
Гарчи берсам ҳамки бахту толъни,

Менга кимки ҳар қадар зурёд экан,
Диллари бир-бирларига ёт экан.

Ўстирибман бир-бирига ёт ғаним,
Етти иқлимдан рақиб ахтарганим —

Тоғу дарёлар ошиб от сурмагим,
Ким ғаним — бошига шамшир урмагим,

Беҳаловат йилларимдин не самар?
Ўтди умрим ечмайин белдин камар.

Бўлди таслимим йиғирма етти шоҳ,
Бўлди фарзандим қадар ҳар бир сипоҳ.

Очди дил не-не амиру анбиё,
Мен падарлик меҳрига лойиқ ғўё.

Дилда қандай матлаби — эрди аён,
Ҳар муроди шарҳини айлаб баён,

Ўртанарди токи фатво олмагай,
Гар буюрсам, ҳатто ўз қатлига шай.

Ўстирибман токи шунча зурриёт,
Этмади ҳеч қайсиси кўнглимни шод.

Тарбият этдим барин, имконки бор,
Бир-бирига айласин деб жон нисор.

Бўлса деб бари аҳилу иттифоқ,
Солмасин деб ўртага ётлар нифоқ,

Ҳар бири бўлсин самимий, меҳрибон,
Не ўтайлик, билмасин деб ҳеч қачон,

Не умид бирлан уруғ эккан эдим,
Эртасини деб азоб чеккан эдим...

Хорижда

ВАКОЛАТ БЕРИЛДИ

• НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеяси халқаро жиноий қидирув ишлари билан шуғулланувчи Интерпол ташкилотига БМТда кузатувчилик қилиш ваколатини берди.

Интерпол Президенти Биерн Эрикссон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзга чиқиб, ушбу қарор жаҳонда тинчлик ва барқарорликни муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган икки нуфузли ташкилот ҳамкорлигининг янги қирраларини очишини айтди. Шунингдек, у Интерпол дунёнинг 176 мамлакатида махсус ахборот тармоқларига эга эканини маълум қилиб, «эндиликда БМТ ахборот тармоқларидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги жиноятларни фош қилишда анча кўмак беради», деди.

ВАЗИЯТНИ ЮМШАТИШ УЧУН

• ТОКИО. АҚШ марказий разведка бошқармаси директори Жон Деич расмий ташриф билан Жанубий Кореяга келди.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Ж. Дейч мамлакат Президенти Ким Ен Сам ва бошқа юқори лавозимли кишилар билан учрашиб, Корея ярим оролидаги кескин ҳарбий-сиёсий вазиятни юмшатиш масаласи юзасидан фикр алмашади.

Маълумки, КХДР ўрта олисликка учадиган «Нодон-1» ракеталарини ишлаб чиқаришга тайёрланаётгани эълон қилинган ва бу ҳодиса Жанубий Корея раҳбариятини қаттиқ ташвишга солган эди.

КОАЛИЦИОН ҲУКУМАТ ТУЗИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

• ТЕҲРОН. Покистон ҳукумати ташаббуси билан Афғонистоннинг Мозори-Шариф вилоятида генерал Рашид Дўстум, «Толибон» ҳаракати раҳбари мулла Муҳаммад Ғавс ҳамда шиа мазҳабига мансуб афғон мусулмонлари раҳбари Карим Ҳалил ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда урушни бартараф этиш билан шуғулланадиган махсус комиссия ва мамлакат ичкарисидаги кескин ҳарбий-сиёсий вазиятни юмшатиш мақсадида коалицион ҳукумат тузишга келишиб олинди.

«С. ЛОЛА»
хусусий фирмаси
АИ-80, АИ-91
(Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган)
АИ-93
(Россияда ишлаб чиқарилган)
юқори сифатли бензинни
СОТАДИ
Шунингдек, сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади.
Бензинимиз сифатига Сиз қуйидаги манзилгоҳларда жойлашган АЁҚШларимизда баҳо беришингиз мумкин:
Тошкент, Юнусобод даҳаси, 18. «Бўзсу» бекати,
Дўмбиробод даҳаси, 16-троллейбус ҳалқаси.
АЁҚШ кечаю-кундуз ишлайди.
Улгуржи етказиб беришни таклиф этамиз.
Шерикларни ҳамкорликка чорлаймиз.
Ҳақ тўлаш шакли турлича.
Телефонлар: (3712) 35-64-34 соат 9 дан 18 гача.
34-15-48, 23-20-45 кечаю-кундуз.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Камертон».
18.45 «Уфқлар». 1-қисм. Муқаддима.
19.05 «Манбалар». 1-қисм. Самарқанддан видеофильм.
19.15 «Олтин кент».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Уфқлар». 2-қисм. «Йўл қийин эди».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Манбалар». 2-қисм. Самарқанддан видеофильм.
21.10 «Уфқлар». 3-қисм.
21.30 «Олтин кент».
21.40 «Курьер». Махсус сони.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40—00.20 «Кинонигоҳ».

III
17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Нафосат оламида». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденнеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.05 — 20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденнеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Телефильм (Япония).
19.30 «Она».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Эллада».
21.20 «Каталог».
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Туманлардан ҳоли Британия».
22.10 «Эколот-коктейль».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Компьютер-ревю».
23.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 25

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 3-қисм.
9.05 Кекса санъатқорлар концерти.
9.30 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
10.25 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
11.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Амир Темур дурдоналари».
11.35 ЎзТВ хазинасидан. Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Нурафшон».
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.20 «Озодлик ва Амир Темур». Видеоклип.
18.30 «Йигит омон бўлса...». Аскарлар ҳақидаги Темур таълимотининг бугунги кундаги аҳамияти.
18.50 Табрик.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.15 Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.
20.50 «Озодлик ва Амир Темур». Видеоклип.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Темурнома».
21.45 Табрик.
21.55 Диққат, премьера: А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 4-қисм.
22.35 «Хуш келибсиз!» Темур юбилейига келган хорижий меҳмонлар билан учрашув.
23.00 Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.
00.30 «Эртага — шанба». Махсус сони.
00.55 Эстрада, эстрада, эстрада...
01.25—01.35 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Гўзалликда танҳо Ватаним!»
9.25 «Ёшлик, сени ким севмаган».
9.35 «Беш ҳалқа олқишлари».
9.40 «Бир қўлингда қиличинг бўлсин!»
9.50 «Бир қўлингда иймонинг бўлсин!»
10.00 «Беш ҳалқа олқишлари».
10.05 Мулоҳаза учун мавзу.
10.25 Дилором наволар.
10.35 «Турон — аждодлар мероси».
10.40 «Таманно».
10.50 Табиат шифохонаси.
11.00 Видео янгиликлари.
11.20 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Бор эканда, йўқ экан...» Тарихий мультфильм.
18.30 «Кинохроника». Ф. Хўжаев.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.15 Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.
20.50 «Темур ҳикматлари». Видеоклип.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Сиздан ишорат...». Ўзбек классик мусиқаси.
22.00 «Камолот» (Амир Темур мероси).
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00—23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Аттракцион» мамлакатига саёҳат». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденнеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.35

*

20.35 «Мусиқа — ҳамма учун».
21.00 «Мактуб». Телесериал. 3-серия.
21.50 «Шаҳрисабз». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденнеси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденнеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Уй остонадан бошланади».
19.15 Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.
20.50 «Коинот». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланади.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Замандас».
22.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Рангинкамон».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 26

I
«АССАЛОМ, СОҲИБҚИРОН!»
Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган узлуксиз телекўрсатувлар соат 6.30 дан бошланади.

II
Соат 6.30 дан ЎзТВ I дастури кўрсатувларини тинглаб, томоша қиласиз.

III
17.15 Дастурнинг очилиши.

*

Россия жамоат телевиденнеси
17.20 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Мактуб». Телесериал. 4-серия.

*

Россия давлат телевиденнеси
22.30 «Вести».

*

23.00 — 23.10 «Оловда тобланган темир». Телефильм.

IV
9.00 «Шанба эртаги».
10.00 Эълонлар.
10.05 «Спектаклдан сўнг».
10.30 «Польша билан учрашув». «Юные дарования Узбекистана» оркестри.
10.55 «Клип-танаффус».
11.00 «Италия вернисажи». Милан (такрор.).
11.20 Кининг олтин асри. «Уч юз спартанликлар». Бадиий фильм.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевиденнеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Олам ва одам».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Рақслар қанотида».
21.00 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Бу ажиб дунё».
21.20 «Тақдирлар». Қориёқубов.
21.50 «Жилет-спорт».
22.20 «Адабий театр». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланади.
22.30 Кининг олтин асри. «Графиня Коссель». 1-серия (Польша).
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 5-қисм.
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.05 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.05 «Ўйнаймиз-у ўйлаймиз!».
11.45 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 13-кўй.
12.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.55 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
13.55—14.25 «Пойтахт концерт залларида».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
18.20 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Табаррук қадамжолар». 4-кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Диққат, премьера: А. Орипов. «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм.
22.05 «Шаҳс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 14-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Олтин кент».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дукон».
10.35 Видео — «О».
12.15—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.40 «Дармон».
18.50 «Таманно».
19.00 Мулоҳаза учун мавзу.
19.20 Дилором наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.15 Якшанба лавҳаси.
20.20 Бугун кино оқшомида.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мухлис-ТВ 2».
21.20 «Нориз ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео — «О».
00.20—00.25 Дастур ниҳояси.

III
17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
17.20 — 22.20

*

22.20 Эълонлар.
22.25 «Мактуб». Телесериал. 5-серия.
23.15 — 23.45 «Панорама».

IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 Эълонлар.
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парл ву франсэ?».
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.05 «Иштирок этувчилар».
13.35 Эълонлар.
13.40 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
14.20 «Мультэкран».
14.40 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
15.10 Киносалон. «Хизматкор». Бадиий фильм.
16.50 «Телеташриф».
17.00 «Мусиқий танаффус». Крис Де Бруг.
17.25 «Мультқарусель».
17.40 «Туризм-рево».

*

18.10 — 19.45 Туркия телевиденнеси.

*

19.45 Эълонлар.
19.50 «Мусиқий Олимп».
20.00 «ТВ IVда етти кун».
20.15 «Биргалашиб куйлайлик».
21.00 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
21.15 «Менинг ҳур ўлкам». Бетараф Туркманистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланади.
21.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
22.05 Киносалон. Жина Дэвис ва Мэтью Модайн «Каллакесарлар ороли» фильмида (АҚШ).
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

УЗБЭКСЖД

"Ўзбекистон темир йўллари"
давлат-акционерлик темир йўл компаниясининг бош экспедитори ва фрахт агенти —

"ЎЗБЕКТЕМИРЙЎЛЭКСПЕДИЦИЯ"

давлат корхонаси

корхоналар, ташкилотлар, фирмалар ва хусусий шахсларга транспорт-экспедиторлик хизматларининг бутун комплексини, шу жумладан ҳукуматлараро юкларни етказиб беришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шартномавий асосларда биз қуйидагиларни амалга оширамиз:

— Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтадиган юкларни декларациялаш;
— мижозлар топшириғига мувофиқ юкларни суғурта этиш;
— вагонлар ҳаракатини кузатиш ва излаш ишини ташкил этиш;
— ички ва жаҳон бозорлари конъюктурасини ўрганиш, экспорт-импорт операцияларининг мақбул шартларини аниқлаш;
— темир йўллар эҳтиёжи учун моддий-техник ресурсларни харид этиш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш.

Биз билан Европа, Осиё ва МДҲ мамлакатлари қатор темир йўллари, Қора денгиз кемачилик компаниялари, Каспий ва Латвия пароходчилиги фрахт агентлари доимий асосда ҳамкорлик қилмоқда.

"Ўзбектемирйўлэкспедиция" давлат корхонаси билан шартномаларни тузиш масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этинг:
Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй.
Телефонлар: (3712) 59-58-02, 59-51-05, 36-44-54. Факс: 33-45-49
Филиаллар: Қўқонда - (37355) 2-30-76, Бухорода - (37522) 4-51-06, Самарқандда - (366-22) 3-03-41, Қаршида - 3399 (темир йўли телефони), Термизда - (37622) 4-41-86, Урганчда - (36222) 6-92-73, Кўнғиротда - (36131) 2-42-30.

"ЎЗБЕКТЕМИРЙЎЛЭКСПЕДИЦИЯ"— сизнинг ишончли ҳамкорингиз ва воситачингиздир!

VOA
Voice of America

Дунё аҳволидан тўлиғи билан хабардор бўлишни истасангиз, „Америка овози" радиосининг 19. 7 ва 25.3 қисқа тўлқинли метрларда ёки 11835-15185-15245 килогерцларда Тошкент вақти билан соат 20.00 да ўзбек тилида бераётган эшиттиришларига диққат-эътиборингизни жалб этамиз.

Ер юзидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ахборотларни ўз вақтида, холисона ва тўлиғи билан соат 20.00 да берилаётган ўзбек тилидаги эшиттиришлардан билиб олиш мумкин. Ўзбек тилидаги радиоэшиттиришлар 19.7 ва 25.3 қисқа тўлқинли метрларда ёки 11835-15185-15245 килогерцларда берилади.

Футбол

КЎП НАРСА ОЙДИНЛАШИБ ҚОЛДИ

Мамлакат олий лигасида ўтган чоршанба ва пайшанба кунлари навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ана шу турда кўп нарса ойдинлашиб қолди. Айниқса, чемпионликка даъвогар Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси футболчилари Андижонда «Навруз»га ютқазиб қўйганликлари уларнинг аҳволини анча мураккаблаштирди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Навруз» футболчилари «Нефтчи» учун ноқулай рақиб ҳисобланишади. Зеро улар ҳар йили кучли рақибларидан қимматли очколарни тортиб олишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида андижонликлар меҳмонлар дарвозасига ягона тўп киритиб, қимматли уч очкога эга бўлишди.

Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси футболчилари эса ушбу турда ўз майдонларида тўп суриб, рақиблари — Муборакнинг «Машъал» жамоси дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритиб, ўз жамғармаларига яна уч очко қўшишди. Энди улар асосий рақиблари —«Нефтчи» футболчиларидан 6 очкога ўзиб кетишди. Навбаҳорчилар қолган 3 учрашувда бор йўғи 4 очко олсалар, мамлакат биринчиликлари тарихида дастлабки бор чемпион бўлишлари турган гап.

Чемпионатнинг бронза медали учун курашаётган Марказий ҳарбий спорт клуби футболчилари кучли рақиблари — «Пахтакор» жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, мавқеларини мустаҳкамлашди. Учинчи ўрин учун яна бир даъвогар— Бухоронинг «Нурафшон» футболчилари олий лигани тарк этмаслик учун курашаётган Урганчнинг «Динамо» жамоаси майдонида 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. «Дўстлик» эса ўз майдонида «Атласчи»ни 4:3 ҳисобида енгди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

Ўзбекистон Республикаси
"Ўзэлектркабелсавдо"
улгуржи-савдо воситачилик фирмаси акционерлик жамияти

Пул ўтказиш йўли билан қуйидаги маҳсулотларни

СОТАДИ

✓ кучланиш трансформаторлари ва подстанциялар;
✓ электр пайвандлаш асбоб-ускуналари;
✓ турли русумдаги электродвигателлар;
✓ турли русумдаги ёритгичлар;
✓ люминиценти, симобли, оддий усулда пишиқтирилган лампалар;
✓ тирқишли аккумуляторлар;
✓ кислотали аккумуляторлар;
✓ кенг турдаги кабель-ўтказгичли ҳамда халқ истеъмоли маҳсулотлари.

Бундан ташқари столлар, стуллар ва идиш-товоқларни фойдаланиш учун бериб туришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Фирма имтиёзли равишда мол-хом ашё биржасида ва "Ўзулгуржибиржасавдо"нинг доимий фаолият кўрсатувчи ярмаркасида шартнома асосида маҳсулот сотишни амалга оширади.
Чет эл ва МДҲ давлатларидаги фирмаларнинг маҳсулотини консигнация асосида сотиб бериш юзасидан шартномалар тузади.
Яхши жиҳозланган, темир йўл бўлимлари кириб борган омборхона биноларини ижарага бериш имкониятига эгамиз.
Фирма электротехника ва кабель-ўтказгичли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этишдан манфаатдор.
"Ўзэлектркабелсавдо" акционерлик жамияти республикамиздаги истеъмолчилардан 1997 йил учун электр ва кабель-ўтказгичли маҳсулотларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилишни бошлаб юборди. Ўзбекистон Республикасидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводларга буюртма бериш, шунингдек уни МДҲ давлатлари ҳамда Болтиқбўйи республикаларидан келтириб сотиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, 700094,
Мўйноқ кўчаси, 135-уй.

Маълумот учун телефонлар:
98-68-46, 92-32-16, 92-32-49,
90-66-94, 98-68-47.
Факс: 90-73-84, телетайп 116187 привод.

Хорижда

ҲАРБИЙ МОЖАРОЛАРГА АРАЛАШМАСЛИККА ЧАҚИРУВ

• ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари Эрон ва Ироқ ҳукуматларига мурожаат этиб, Ироқ Курдистонидаги ҳарбий можароларга аралашмасликка чақирди.

«Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, АҚШ маъмурияти, шунингдек, Курдистон Демократик партияси (КДП) ҳамда Курдистон ватанпарварлар иттифоқи (КВИ) раҳбарларини ўзаро ихтилофларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этишга даъват этган. Аҳвол шу кетишда давом этаверса, вазият мураккаблашиб, Эрон ва Ироқ ўртасида ҳарбий қарама-қаршилик келиб чиқиши мумкин, деб ёзилади шу мавзуга бағишланган мақолада.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

• ЭЛ-ҚУВАЙТ. Қувайтда мамлакатнинг янги ҳукумати ташкил этилди. Қувайт Амири Шайх Жобир ас-Сабоҳ имзолаган Фармонга биноан, шаҳзода Шайх Саад ал-Абдулло яна ҳукумат раҳбари этиб тайинланди.

Қувайтнинг янги ҳукумат таркиби 7 октябрь куни мамлакатда бўлиб ўтган парламент сайлови натижасига кўра ташкил топди. Маълумки, мазкур сайловдан сўнг бир кун ўтар ўтмас, олдинги Вазирлар Маҳкамаси таркатиб юборилган эди.

ИШСИЗЛАР СОНИ 18 МИЛЛИОНГА ЕТДИ

• БРЮССЕЛЬ. Европа статистика бошқармасининг хабар беришича, бугун Европа иттифоқига аъзо мамлакатларда 18 миллион нафар фуқаро ишсиз ҳисобланади. Бу эса иқтисодий фаол аҳолининг 10,8 фоизи ҳеч қаерда ишламайди, деганидир.

Ҳозирча ишсизлар рўйхатида Испания етакчи ўринда турибди. Бу ерда меҳнатга яроқли аҳолининг 21,3 фоизи ишсиздир. Умуман, ишсизлик муаммоси сўнгги йилларда Европа Иттифоқини қаттиқ ташвишга солаётир.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА